

МУХАМЕДОВ Нейматулло,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.
nematulloh@mail.ru*

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

HISTORICAL BASIS OF RELIGIOUS TOLERANCE IN UZBEKISTAN

Аннотация: Ўзбекистон ҳудудиди қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма хил динларга эътиқод қилувчи аҳоли яшаган ўлка сифатида бир қатор тарихий манбаларда қайд этилган.

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлатдир. Бундай давлатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун диний бағрикенглик мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, мамлакатимизда 16 диний конфессия ўзаро бағрикенглик ва тотувликда фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек, буддавийлик, яҳудийлик, зардуштийлик ва христианлик каби диний конфессия вакилларининг юртимизга кириб келиши, бағрикенглик муҳитидаги тарихий жараёнлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, тотувлик, буддавийлик, зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик.

Аннотация: Узбекистан с древних времен упоминается в ряде исторических источниках, как земля, населенная людьми с разнообразной культурой, языками, обычаями и образом жизни, исповедующими различные религии и конфессии.

Узбекистан — многонациональное, многоконфессиональное государство. В такой стране межнациональное согласие и религиозная толерантность являются одними из главных условий обеспечения общественно-политической стабильности и развития. Поэтому религиозная толерантность является одним из основных принципов строящегося в нашей стране демократического общества. Ведь в нашей стране в условиях взаимной терпимости и согласия действуют 16 религиозных конфессий.

В статье рассматриваются исторические основы религиозной толерантности в Узбекистане. Также анализируются исторические процессы распространения в нашу страну представителей таких религиозных конфессий, как буддизм, иудаизм, зороастризм и христианство.

Ключевые слова: Узбекистан, религиозная толерантность, согласие, мир, буддизм, зороастризм, иудаизм, христианство.

Abstract: Uzbekistan has been mentioned in a number of historical sources since ancient times as a land inhabited by people with diverse cultures, languages, customs and ways of life, professing various religions and confessions.

Uzbekistan is a multinational, multi-confessional state. In such a country, interethnic harmony and religious tolerance are among the main conditions for ensuring socio-political stability and development. Therefore, religious tolerance is one of the main principles of the democratic society being built in our country. After all, in our country, 16 religious denominations operate in conditions of mutual tolerance and harmony.

The article examines the historical foundations of religious tolerance in Uzbekistan. It also analyzes the historical processes of the spread of representatives of such religious confessions as Buddhism, Judaism, Zoroastrianism and Christianity to our country.

Keywords: Uzbekistan, religious tolerance, harmony, peace, Buddhism, Zoroastrianism, Judaism, Christianity.

КИРИШ

Бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун Ер юзида диний бағрикенглик, конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда. Сўнгги йилларда рўй бераётган воқеалар мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги кунини учун динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва

барқарорликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўз навбатида она-Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшиб, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилиб яшаши бугунги кундаги долзарб масалалардан бирига айланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб, жумладан, “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича таклифларини илгари сурган эдилар.

2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси 193 та аъзо мамлакатлар томонидан яқдиллик билан қабул қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжихатлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Юртимиз ҳудуди минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган [9:322-325].

Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган [12:68-73]. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

“Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келадигани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради” [7:61].

Халқимизга азалдан хос хислат – бағрикенглик бир зумда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Ўзбекистоннинг диний тарихига қисқача назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири эканига гувоҳ бўламиз. Тош асрининг ўрталарида аجدодларимиз орасида турли ҳайвонлар ва Қуёшга топиниш, кейинроқ фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) тарқалди [14:101].

Зардуштийлик заминида Марказий Осиё шароитидаги ҳаёт тарзи ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлик ўртасидаги зиддиятлар ётади. У кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига шубҳасиз катта ҳисса қўшган. Чунки, “Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб, инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши яккахудолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўркув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса Зардушт одамларга қалби кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлимидан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди” [4:131].

Ўз навбатида халқимизнинг ўша қадим даврлардаги меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ,

бағрикенглик каби умуминсоний кадриятларини зардуштийлик дини манбаси – “Авесто” битикларида ҳам кўриш мумкин.

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарам) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металллар – олтин ёки қумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган [3:30].

Халқимизда бағрикенглик ва муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб бораётган япон олими Като фикрига кўра Сурхондарё воҳасида аниқлаган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Жаҳондаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Аксарият динлар бу дунёни фоний, ўткинчи деб ҳисоблайдилар. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади – бу дунёда хайрли, савоб ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш ўз аксини топган.

Мамлакатимизда яҳудийлик дини вакилларининг истиқомат қилиши халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг яна бир юксак

намунаси бўлса, ажаб эмас. Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакилларида бири Р.Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди” [2:125-126], – деб ёзган.

Христианликнинг ҳам зардуштийлик, буддизм каби Марказий Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор. Шунингдек бу дин Марказий Осиёга хусусан, Ўзбекистонга икки йўл билан кириб келган: бунга, бир томондан, христианликка даъват этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик фаолияти, иккинчи томондан, Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг бу ҳудудга кўплаб кўчиб келиши сабаб бўлди. Бу дин миссионерлар Марказий Осиёнинг турли вилоятларига милоднинг III асрларида кириб келганлар. Масалан, 280 йилда Тароз (Мерке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йил), Марвда (334 йил), Ҳиротда (430 йил), Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик ва миссиялар тузилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йил), Ҳиротда (658 йил) епископликдан иборат диний, ҳудудий жамоалар, бирлашмалар ташкил этилган. Хуросонликлар ва суғдиёналик зардуштийлар, монавийлар, буддистлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлганлар [8:125]. Улар Сосонийлар ва қорахитойларга қарашли ерларда яшаганлар.

Марказий Осиё ҳудудида исломнинг тарқалиши давларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, қелишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган [13:71]. Ҳатто, Беруний яшаган даврда ҳам (973 – 1056) Марвда православ митрополияси бўлган [10:105-110].

XIX асрнинг 70-йиллари Марказий Осиё минтақасига православия билан бир қаторда бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб

кела бошладилар. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш, ва бошқа ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар этиқод қиладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти ўтган XX асрнинг тахминан 20-30 йиларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигида 6,3 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари этиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яхудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган [11:9].

1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очишга қарор қилинди. 1880 йилларга келиб Рус православ черкови (РПЧ) ўзининг янги ибодатхоналар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Булардан энг кўпи Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилди. 1916 йил 16 декабрда император буйруғи билан Туркистон кафедрал собори Верный (Алмати)дан Тошкент шаҳрига кўчирилди [5:12]. Черковлар сони ўтган асрнинг 30-йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудида Ўрта Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларига нисбатан кўп эди.

ХУЛОСА

XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистоннинг турли бурчакларида, масалан, Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси, Термиз каби шаҳарларда ҳам христиан диний православ ибодатхоналари ва черковлари қурила бошланди. Бундай ҳолга асосий сабаб, Ўзбекистонга ҳарбийлар, ўлка бошқарув идоралари ходимлари билан бир қаторда, Россиянинг марказий минтақаларидан камбағал, ерсиз деҳқонлар кўчиб келиши ҳисобига

православ христианларининг сони ортиб кетиши сабаб бўлди. Православ жамоаларига ҳарбий руҳонийлар раҳбарлик қилганлар.

Мухими, ўша пайтда Ўзбекистон ҳудудига кириб келган христиан жамоаларига нисбатан халқимиз бағрикенг муносабатда бўлган. Бу ўринда Архиепископ Владимирнинг ҳам фикрларини ўринлидир: “XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган крестьянлар ночор аҳволга тушиб қолганда маҳаллий аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган” [1:43].

Туркистон ерларига кириб келган Рус православ руҳонийлари асосий этиборни миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратганлар. Православлар черков қурганларида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги “Муқаддас Георгий” ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар моддий эҳсон қилганлар [6:69]. Бу ҳолат ушбу динлар вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ўша даврлардан шаклланганига далил бўла олади.

Тарихий манбаларда Ўзбекистонда диний ва этник муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қайд қилинган. Бундай ҳолатни ҳозирда ислом, христиан, яхудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ҳамда барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда ўзига хос тажриба орттирилди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан диний бағрикенглик сиёсати одилонга олиб борилмоқда. Республикада ислом билан бир қаторда 16 диний конфессия вакиллари эмин-

эркин фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол мисолидир. Ҳар қандай кўпмиллатли ва кўп динли давлатда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамкорлик, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин яратувчи, унинг истикболини белгилаб берувчи омиллардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. - Т.: 2000. - С. 43.
2. Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия // Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. – Ташкент, 2002. – С. 125-126.
3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 30.
4. Зардуштийлик // Фалсафа. Қомусий лугат. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари” миллий жамияти, 2004. – Б. 131.
5. Ибрагимов Э. Жаҳон динлари тарихи. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. -Б. 12.
6. Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - Б. 69.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 61.
8. Мўминов А., Раҳимжонов Д. Диншунослик. -Т.: Мехнат, 2004. -Б.125.
9. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
10. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. METHODOLOGIES EMPLOYED BY AL BERUNI IN THE ANALYSIS OF RELIGIOUS SYSTEMS // Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 12, Issue 12, December 2023 SJIF 2022 = 8.179 -P.105-110.
11. Нуритдинов Ҳ. Ўзбекистондаги диний ташкилотлар: маълумотнома, -Т.: 1997. -Б. 9.
12. Nematullo Mukhamedov & Nurullo Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science &

interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>

13. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д. Диншунослик. -Т.: 2000. -Б. 71.
14. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. -Т., 2007. - Б. 101.